



# O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbel'zbekistonovozi instagram.com/uzbekiston\_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



## ПАРЛАМЕНТДА

### МУҲИМ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Ҳафта бошида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Уларда турли муносабатлар билдирилиб, айрим нормалар юзасидан турфа талқинлар пайдо бўлди.  
Шунингдек, кеча Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши ҳам қизгин муҳокамалар ва баҳсларга бой тарзда ўтди. Йиғилишда кун тартибидagi бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

▶ (Давоми 2-бетда)

## СИЁСИЙ ПУЛЬС



Ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммоси нафақат ривожланаётган, балки ривожланган давлатларда ҳам жиддий таъминлаш уйғотмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоботида маълум қилинишича, жаҳонда 15-24 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси катта ёшлиларга қараганда уч баравардан кўпроқдир. ХМТ экспертлариға кўра, 2026 йилда глобал ишсизлик ва ижтимоий тенгсизлик даражаси сақланиб қолинади. Ишсизлар армияси 186 миллион нафарға ошиб, глобал ишсизлик даражаси 4,9 фоизға етади.

## ЁШЛАР БАНДЛИГИ – СТРАТЕГИК ВАЗИФА

Шу билан бирга ХМТ иш билан таъминланиш доим ҳам яхши даромад бермаслигини таъкидлайди. Яъни, дунё бўйлаб тахминан 300 миллион киши ўта қашшоқ яшайди ва кунига 3 доллардан кам пул топади. Аҳолисининг ярмидан кўпи норасмий ишлайдиган давлатлар ҳам бармоқ билан санарли эмас.  
Мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлаш нечоғлик долзарб эканини яққол ҳис қилиш мумкин. Ахир республикамиз меҳнат бозорига ҳар йили ўртача 600 минг нафар навқирон авлод вакиллари кириб келаётгани, келгуси ўн йилда мазкур рақам нақ

бир миллионга етиши ёшлар сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бўлган бандликни таъминлаш ғоятда жиддий ва пухта ёндашувни талаб этишидан далолат беради. Бинобарин, мамлакат Президентининг жорий йил 20 апрелдаги "Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонида йигит-қизларнинг замонавий меҳнат бозорига муносиб ўрин топишиға кўмаклашиш ва уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш устувор вазифа қилиб белгилангани айни муддаодир.

▶ (Давоми 6-бетда)

## ТАҲЛИЛ

### Болаларнинг ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ таълим ислоҳотларида яққол кўринади



Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатдаги ҳар бир бола – қаерда ва қандай оилада туғилганидан қатъи назар — билими, иқтисодии, меҳнатсеварлиги билан ҳаётда, жамиятда ўрин топадиган шахс сифатида шаклланиши учун таълимнинг барча босқичида аҳолининг ҳамма қатламиға тенг имконият яратилишини айни зарурат деб билади.

Хўш, бугун таълим тизимида амалға оширилаётган ислоҳотларда ана шу мақсадға қай даражадаги мувофиқликни кўриш мумкин?  
Қуйида газетамизнинг фаол муаллифларидан бири мазкур мавзуда таҳлилий мулоҳазаларини баён қилган.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, дунёда инклюзив таълимни ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган мамлакатлар сони тобора ортиб бормоқда: 2025 йилда давлатларнинг 84 фоизи инклюзив таълим концепциясини қабул қилган. Халқаро ташкилот қарийб 240 миллион нафар болада муайян ногиронлик борлигини, дунё мамлакатларининг тахминан 40 фоизида ўқитувчилар инклюзия бўйича етарли тайёргарликдан ўтмаганини қайд этади.

▶ (Давоми 6-бетда)

## ДЕПУТАТЛАР ФИКРИ

### ҚАЕРГА ҚАНЧА?

### Давлат бюджети ижроси бўйича фракциямиз позицияси қандай?

3

## СЎРОВ, ЖАВОБ ВА НАТИЖА

### ҲИСОБОТ ЭМАС, АМАЛИЙ ИШ МУҲИМ



4

## МУЛОҲАЗА



### ТОВАРНИ СОТИНГ, АММО ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭМАС!

7

## ПАРЛАМЕНТДА

# МУҲИМ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

## СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ АНИҚ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛМОҚДА

Мажлиса дастлаб "Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан судьялар ҳамжамияти органларининг турлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Судьялар ҳамжамияти органларининг асосий вазибалари жамиятнинг ва фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд тизимини ва суд ишини юритишни такомиллаштиришга кўмаклашиш, судьялар томонидан Судьялар одоби кодекси талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда судьяларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни қамраб олиши белгиланмоқда.

Шунингдек, судьяларнинг малака даражаларини бериш, интизомий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ваколатларини тўхтатиш ва тугатиш тартиблари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## ФАХРИЙЛАР ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА БЎЛАДИ?

Мажлиса "Фахрийлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фахрийлар мақоми, тоифалари ҳамда бу соҳада масъул вазирлик ва идораларнинг ваколатлари белгиланмоқда. Шунингдек, фахрийларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, имтиёз ҳамда кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Лойиҳага кўра, муайян бир соҳа, тармоқ ёки касбда узоқ йиллар мобайнида виждонан намунали меҳнат қилиш орқали давлат ҳамда жамият эътирофига сазовор бўлган жисмоний шахсларга фахрий мақоми берилди.

Мазкур мақомни олган фуқаролар ижтимоий жиҳатдан ҳимоя, солиқ ҳамда пенсия имтиёзларидан фойдаланиш каби бир қатор ҳуқуқларга эга бўлади.

Хусусан, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш, уй-жой коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловларини олиш, шаҳар транспортда бепул юриш, ҳаво ва темир йўл чипталарида чегирмалар, давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш каби бир қатор имтиёзларга эга бўлади.

Шунингдек, фахрийларнинг соғломлаштириш муассасаларида дори воситалари билан имтиёзли таъминланиши, маданият ва кўнгилочар муассасалар (спорт, театр, моддий маданий мерос объектлари) ҳамда музейларнинг пулли хизматларидан имтиёзли фойдаланиши белгиланмоқда.

Мажлиса депутатлар томонидан лойиҳа юзасидан баъзи эътирозлар билдирилди. Ундаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Қонун лойиҳаси масъул кўмита томонидан такомиллаштирилаётган бўлди.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАҲСИЛИ УЧУН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР

Мажлиса давлат фуқаролик хизматчисининг хорижий олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун қўшимча кафолатлар яратишга қаратилган қонун лойиҳаси моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат хизматчиси хорижий олий таълим муассасасига магистратура ёки докторантурада ўқиш бўйича грант ютганда, иш бевуқининг ёзма розилиги асосида унинг иш ўрни (лавозими) сақланиши таклиф этилмоқда.

Шунингдек, иш бевуқчи томонидан розилик беришда ўқув дастурининг йўналиши ушбу давлат органи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлишини инобатга олиш назарда тутилган.

Лойиҳада ўқув дастури яқунлангандан сўнг давлат фуқаролик хизматчиси



“

**ЛОЙИҲАГА КЎРА,  
МУАЙЯН БИР СОҲА,  
ТАРМОҚ ЁКИ КАСБДА  
УЗОҚ ЙИЛЛАР  
МОБАЙНИДА  
ВИЖДОНАН  
НАМУНАЛИ  
МЕҲНАТ ҚИЛИШ  
ОРҚАЛИ ДАВЛАТ  
ҲАМДА ЖАМИЯТ  
ЭЪТИРОФИГА  
САЗОВОР БЎЛГАН  
ЖИСМОНИЙ  
ШАХСЛАРГА  
ФАХРИЙ МАҚОМИ  
БЕРИЛАДИ.**

зиммасига тегишли давлат органи тизимида хорижда таҳсил олиш даврига тенг муддатга ишlab бериш мажбурияти ҳам юкланмоқда.

Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизматчисининг хорижда ўқиш даври унинг меҳнат стажига кўшиб ҳисобланиши, кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик устама белгиланган инобатга олиниши ҳам акс этмоқда.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул кўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, сиёсий партиялар фракцияларининг таклифлари асосида ҳужжат матни янада такомиллаштирилиб, маромига етказилгани қайд этилди.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛМОҚДА

Мажлиса "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчиликка биноан биринчи инстанция судининг қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини юқори инстанция суди тўхтатиб туриш ваколатига эга. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг 271-, 294- ва 323-моддалари талабларига кўра, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди куйи инстанция суди қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини тегишли илтимоснома асосида мазкур инстанцияда иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туриши мумкин.

Бирок, ушбу кодексда суд қарори ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимосномани рад этиш учун аниқ асослар белгиланмаганилиги сабабли бундай илтимоснома тақдим этилганда, юқори инстанция суди аксарият ҳолларда куйи инстанция суди қарорининг ижросини тўхтатишга тўғри келмоқда.

Мазкур ҳолат тadbиркорлик субъектларининг суд қарори асосида пул маблағларининг ундирилиши

жараёнларининг кечикишига сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал кодексининг 271-, 294- ва 323-моддаларига ўзгартириш киритиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, юқори инстанция судларида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш суд ҳужжатининг қайтарма ижроси қийинлашиши ёки имконсиз бўлиб қолиши асослаб берилган ҳолларда қўлланилиши белгиланмоқда.

Депутатлар ушбу ташаббус суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, тadbиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВATЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Мажлиса тadbиркорлик фаолиятининг кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун ҳамда бошқа айрим қонун ҳужжатларига тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилмоқда.

Хусусан, лойиҳада тadbиркорлик субъектларининг тенглиги, ишончининг ҳимоя қилиниши, мулк дахлсизлиги, тadbиркорликка оид қонунчиликнинг барқарорлиги ва аниқлиги тadbиркорлик фаолиятининг асосий принциплари сифатида белгиланмоқда.

Тadbиркорлик субъектларини кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратиш, хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ ташаббусларни чеклаш, тadbиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар реестрининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, тadbиркорлик субъектлари зиммасига янги мажбурият ёки чекловлар юклатилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тadbиркорлар иштирокида муҳокама қилиниши ҳамда улар тартибга солиш таъсири бўйича ижобий баҳоланган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, тadbиркорлик субъектларига тақдим этиладиган имтиёз ва афзалликларнинг турлари, муддатлари ҳамда тартибини қамраб олган алоҳида реестр юритиш, масъулиятли бизнес юритиш мезонларини белгилаш, шунингдек, тadbиркорларга нисбатан қўлланилган молиявий санкцияларни бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлаш имкониятини яратиш назарда тутилмоқда.

Мажлиса қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН СОЛИҚ СИЁСАТИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Мажлиса чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режими жорий этиш ҳамда касбий кўникмаларга эга кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида чет эл фуқароларига махсус солиқ режими жорий этилиши ва уларнинг солиқ резидентлари деб эътироф этилиши белгиланмоқда. Лойиҳада махсус солиқ режими доирасига кирадиган чет эл фуқаролари белгиланган миқдорда йғим тўлаши, ваколатли банкда ҳисобварақ ёки крипто-биржада крипто-ҳамён очиши, шунингдек, уларнинг воёга етган яқин қариндошларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олган даромадлари солиқдан озод қилинишига оид нормалар назарда тутилмоқда.

Лойиҳада саноат корхоналарида дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ходимлар учун ижтимоий солиқ икки баравар камайтирилиши белгиланмоқда.

Мажлиса қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## ЕР РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Мажлиса "Ер қонунчилиги янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат барча тоифадаги ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ер ресурсларини муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашни назарда тутди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқинлар ва ортиқча бюрократик тўсиқларни камайитириш мақсадида ер участкаларини ҳисобга олиш, бўш турган ерларни аниқлаш, ер участкаларини бирлаштириш ҳамда қайта ижарага бериш тартиблари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалиги ерларини бозор активига айлантириш мақсадида ерга бўлган ижара ҳуқуқидан кредит, лизинг, ипотека ва банк кафолатлари олишда таъминот сифатида фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Бу эса фермер хўжалиқлари ва тadbиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган имкониятлари ошишига, инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча шароитлар яратилишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида ер муносабатларида шаффофлик таъминланади, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳамда ижарачиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари янада ишончли ҳимоя қилинади. Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмлар шаклланади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, яна бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ДЕПУТАТЛАР ФИКРИ

# ҚАЕРГА ҚАНЧА?

## Давлат бюджети ижроси бўйича фракциямиз позицияси қандай?



**Давлат бюджети халқимизнинг кундалик ҳаёти фаровонлигини ошириш, давлат ва жамият ривожланишини изчил давом эттиришда жуда катта аҳамиятга эга ҳужжат экани маълум. У шунчаки рақамлар жамланмаси эмас, балки юртимиздаги ҳар бир инсоннинг меҳнати, ишончи ва эртанги кунга бўлган умидининг ифодасидир. Унда болаларнинг таълими, беморларнинг шифоси, ислохотлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган режалар, ўта муҳим вазифалар ютасам.**

Шу маънода халқимизнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган ҳар бир режа, ҳар бир дастур, ҳар бир ислохот, аввало, бюджет маблағларининг оқилона ва самарали сарфланишига боғлиқ. Зеро, янги мактаблар қурилиши, шифохоналар фаолияти, йўл ва инфратузилманинг барпо этилиши, ижтимоий ҳимоя чораларининг амалга оширилиши айнан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Шунинг учун ҳар бир сўмнинг қандай сарфланаётгани, қандай натижа бераётгани очиқ ва тушунарли бўлиши керак. Фуқаролар ўзлари тўлаган солиқлар эвазига ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар бўлаётганини ҳис қилгандагина бюджетнинг ҳақиқий самараси кўринади. Энг муҳими, унинг ҳар бир сўми халқ манфаатига хизмат қилиши шарт.

Ҳўш, ўтган йилги бюджет ижросига назар ташласак, рақамлар ортида қандай ҳаётий натижаларни кўриш мумкин? Улар одамлар ҳаётини қай даражада ўзгартирмоқда? Қандай камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар, яна қандай вазифалар бор?

Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишди.

## фракциямиз позицияси қандай?



14,2 фоизга ҳамда саноат соҳаси 6,8 фоизга ўсди. Шунингдек, мамлакатда йиллик инфляция 7,3 фоизни ташкил этиб, ташқи савдо айланмаси 81,2 млрд. долларга тенг бўлди. Иқтисодий ҳаётда таркибий ислохотлар натижасида 2025 йилда жами 591,1 трлн. сўмлик асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, 2024 йилга нисбатан 10,5 фоизга ошди.

Давлат бюджети даромадлари 2024 йилга нисбатан 116,6 фоизга, Давлат бюджети харажатлари эса 99,3 фоизга бажарилган. Давлат бюджети маблағларининг 47,0 фоизи ёки 180,4 трлн. сўми ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштиришга сарфланиб, ушбу харажатларнинг 86,5 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган.

Ҳисобот даврида иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва нафақалар ўз вақтида тўлаб берилган ҳамда инфляциядан кам бўлмаган миқдорда оширилган.

Масалан, таълим соҳасини олайлик. Сўнгги йилларда янги мактаблар қурилиши, мавжуд таълим муассасаларини таъмирлаш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари изчил давом этмоқда. Шу билан бирга, ўқув дастурлари замон талабларига мос равишда янгиланиб, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқитувчиларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда моддий рағбатлантириш тизимини яхшилаш ҳам ислохотларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бюджет ижросига кўра, ўтган йили соҳани ривожлантириш учун 84,2 трлн. сўм ёки 2024 йилга нисбатан 12,9 трлн. сўмга кўп маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, давлат-хусусий шерикчилигидаги болалар боғчаларига қарийб 4,0 трлн. сўм субсидия ажратилган. Бунинг натижасида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони 32 минггага етиб, улардаги болалар қамрови 1 миллион нафардан ошган.

Таълим соҳасига оид рақамлар таҳлилдан кўриниб турибдики, ислохотлар натижасида таълим тизими янги bosқичга кўтарилмоқда. Бу эса мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва келажақ кадрларини тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

балки аҳолининг умумий ҳаёт сифатини ҳам яхшилашга хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, инсон ҳаёти ва саломатлиги давлатимиз сиёсатида устувор ҳисобланади.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, ҳисобот даврида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, соҳага 43,3 трлн. сўм маблағ йўналтирилган. Бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 7,2 трлн. сўмга кўпдир.

Бу эса тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки рақамларда эмас, балки одамлар ҳаётида — сифатли хизмат, тез тиббий ёрдам ва соғлом турмуш тарзида ўз аксини топаётганини кўрсатмоқда. Чунки соғлиқни сақлаш тизимига сарфланаётган ҳар бир сўм одамларнинг саломатлигини асраш ва касалликларни эрта аниқлаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олмоқда.

Айтайлик, 2025 йилда кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси, моддий ёрдам ва компенсациялар учун 14,5 трлн. сўм ажратилган.

Шунингдек, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини изчил оширишга қаратилган тадбирларни молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунга Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 11,9 фоизи ёки 45,5 трлн. сўм маблағ йўналтирилганлигини Янги Ўзбекистоннинг "ижтимоий давлат" конституциявий мақомига уйғун ҳолат, деб биламиз.

Чунки ҳар бир ёрдам ортида инсон тақдири, оила фаровонлиги ва жамият барқарорлиги турибди.

**ХДП фракцияси Ҳукумат эътиборини қатор муҳим масалаларга қаратади.**



**Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**


— Давлат бюджети партияимиз электорати ҳисобланган ижтимоий заиф қатламнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлигини эътироф этиш лозим. Шу билан бирга, фракцияимиз Ҳукуматнинг эътиборини бир қатор муҳим масалаларга қаратади.

Хусусан, озик-овқат маҳсулотлари инфляциясини жиловлаш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш. Бунда асосий озик-овқат маҳсулотлари бозорида рақобатни кучайтириш, импорт ва логистика харажатларини камайиштириш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотларнинг нархи барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш лозим.

Давлат бюджети ижросида натижадорликка эришишга алоҳида эътибор қаратиш, хусусан, янги қурилган ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича назоратни кучайтириш зарур. Хусусан, сайлов округларидаги ўрганишлар шунини кўрсатмоқдаки, бир қатор янги соғлиқни сақлаш объектлари ўтган йили қурилиб битказилган бўлишига қарамадан, штат бирликлари ажратилмаганлиги ёки жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги натижасида ҳозиргача фойдаланишга топширилмасдан келинаётгани кузатилмоқда.

Ҳисоботда қайд этилган бюджет ижросидаги камчиликларни келгусида баргараф этиш мақсадида, авваламбор, бюджет ижросига нисбатан танқидий ёндашуви кучайтириш, масъул вазирлик, идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарликни юклаш, юзага келган салбий ҳолатларни чуқур таҳлилдан ўтказиш, очиқ ва таъсирчан чоралар кўриш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.**



**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ 2024 ЙИЛГА НИСБАТАН 116,6 ФОИЗГА, ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ ЭСА 99,3 ФОИЗГА БАЖАРИЛГАН. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ 47,0 ФОИЗИ ЁКИ 180,4 ТРЛН. СЎМИ ИЖТИМОЙ СОҲА ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА САРФЛАНИБ, УШБУ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 86,5 ФОИЗИ ИЖТИМОЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ШУНИНГДЕК, УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН.**

**ИЖРО ВА САМАРА**

Ҳисоботга кўра, бюджет рақамлари ортида аниқ натижалар турибди. Яъни, бу маблағлар янги ижтимоий объектлар, яхшилانган инфратузилма, кенгайган имкониятлар ва энг муҳими, одамлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришларга айланмоқда.

2025 йил якунларига кўра, ялли ички маҳсулотнинг ҳажми 2024 йилга нисбатан 7,7 фоизга, иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бўлган хизматлар соҳаси 14,7 фоизга ва қурилиш соҳаси



**Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Давлат бюджети халқнинг ризиқи ҳисобланади. Унинг ортида ҳар бир фуқаронинг манфаати, улуши бор. Мамлакат ривожини нафақат давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайиши, балки уларнинг тўғри ва самарали сарфланишига ҳам боғлиқ.

Давлат бюджетининг ижроси аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Бюджет маблағларининг ижроси амалда ана шу устувор йўналишлар бўйича изчил амалга оширилаётгани, яъни ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда инфратузилмани яхшилашга хизмат қиладиганини кўриш мумкин. Бу эса Давлат бюджети маблағларининг нафақат иқтисодий ўсиш, балки инсон қадрини ва яшаш сифати билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатмоқда.



**Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Давлат бюджети бугунги кунда аҳолининг соғлиғини муҳофазалаш тизимини ривожлантиришда энг муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бюджет маблағлари ҳисобидан шифохоналар модернизация қилиниб, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланмоқда, қишлоқ ва чекка ҳудудларда ҳам сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда.

Энг муҳими, бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган ислохотлар натижасида одамлар учун даволаниш шароитлари энгиллашмоқда, касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш имкониятлари кучаймоқда. Бу эса нафақат тиббий хизмат,



**Анваржон НУРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Бюджет — халқ меҳнатининг самараси. Уни адолатли сарфлаш нафақат иқтисодий, балки маънавий масъулият ҳамдир. Шунинг учун бюджет маблағларини сарфлашда катта масъулият, шаффолик ва ҳисобдорлик талаб этилади.

Айтиш керакки, бюджет ижросида ижтимоий ҳимоя тизими, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги маблағлар эҳтиёжманд қатламларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий нафақалар ва компенсацияларни ўз вақтида етказишга хизмат қилмоқда. Шу орқали давлат томонидан аҳолининг энг заиф қатламлари ҳимояси таъминланиб, ижтимоий адолат тамойиллари мустақкамланмоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизими доирасида амалга оширилаётган ишлар фақат моддий ёрдам билан чекланиб қолмасдан, аҳолининг бандлигини ошириш, эҳтиёжманд оилаларни даромад манбалари билан таъминлаш ва уларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган комплекс

## СЎРОВ, ЖАВОБ ВА НАТИЖА

**Депутатлик сўрови одамларнинг овозини масъул ташкилотларга етказишга ёрдам беради. Шу орқали кўплаб муаммолар ўз ечимини топади. Масалан, маҳалладаги кўча чироқлари ёнмаса ёки йўл таъмирга муҳтож бўлса, депутатнинг сўрови сабаб масалага эътибор қаратилади.**

Партиямиз депутатлари ҳам ўз фаолиятида мазкур институт механизмидан самарали фойдаланмоқда. Кузатаётган бўлсангиз, биз аввалги сонларимизда бу ҳақида маълумот ва ахборотлар берган эдик. Эндиликда янги таҳлилларга назар ташлаймиз.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, мазкур сўровлар орқали олинган маълумотлар муҳим қарорлар қабул қилишда асос бўлиб, аҳолини қийнаётган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга ечим топиш имконини яратади. Зеро, ҳақиқий хизмат инсонларнинг кундалик ташвишларини енгиллаштиришдан бошланади.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 5 оyi давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиздан сайланган депутатлар томонидан 3 мингга яқин депутатлик сўрови юборилди.

Бу рақам депутатлик сўровлари фаол қўлланилаётганини кўрсатади. Бироқ асосий мезон сўровлар сони эмас, балки уларнинг амалда берган натижасидир. Чунки аҳоли учун ҳисоботлардаги рақамлардан кўра, ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар муҳимроқ. Одамлар қоғозда ёзилган ваъдаларни эмас, балки ўз кўзи билан кўрган натижани қадрлайди.

Шу боис депутатлик сўровини юбориш ишнинг бошланиши, уни ижобий натижа билан яқунлаш эса ҳақиқий масъулият ҳисобланади. Ҳар бир сўровнинг ижросини назорат қилиш, муаммонинг тўлиқ ҳал этилишигача кузатиб бориш муҳим аҳамиятга эга.


Депутатлик сўровлари ҳақида сўз кетганда бир савол доимо долзарб бўлиб қолади: улар фақат ҳужжатларда акс этаётгани ёки одамлар ҳаётида ҳақиқий ўзгариш яратяптими?

Амалий натижаларга мурожаат қиладиган бўлсак, қуйидаги мисоллар эътиборга лойиқ.

## МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПДИ

11-Рапаник сайлов округидан сайланган халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгаши депутати Жасурбек Салаев томонидан кўтарилган муҳим масала депутатлик сўрови асосида атрофлича ўрганиб чиқилди ва ижобий ҳал этилди.

Мазкур депутатлик сўровида Гулшан-2 маҳалласи ҳудудидаги Кўҳна



Хива кўчасида жойлашган пиёдалар йўлакчалари белгиларининг вақт ўтиши билан ўчиб кетгани ва янгиланишга муҳтож ҳолга келгани қайд этилган эди. Ушбу ҳолат маҳалла аҳолиси томонидан ҳам бир неча бор билдирилган бўлиб, айниқса, мактаб ўқувчилари, ёши улуг фуқаролар ҳамда йўлни кесиб ўтувчи пиёдалар учун муайян ноқулайликлар туғдираётгани таъкидланган.

Депутат томонидан масала юзасидан тегишли ташкилотларга расмий сўров юборилиб, муаммони бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўриш сўралди. Сўров ижроси доирасида мутасадди идоралар томонидан ҳудуд ўрганилиб, пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарур ишлар амалга оширилди.

Натижада Кўҳна Хива кўчасидаги пиёдалар йўлакчалари қайта чизилиб, замонавий талаблар асосида аниқ ва равшан кўринишга келтирилди. Бу эса пиёдалар ҳаракатининг хавфсизлигини ошириш, ҳайдовчилар эътиборини кучайтириш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

Маҳалла аҳолиси мазкур муаммонинг қисқа муддатда ҳал этилганини мамнуният билан қарши олди. Айниқса, фарзандларининг хавфсизлиги ҳақида қайғураётган ота-оналар ва кексалар бу каби амалий ишлар аҳоли манфаатларини

# ҲИСОБОТ ЭМАС, АМАЛИЙ ИШ МУҲИМ

таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидламоқдалар.

Бугунги кунда бундай амалий ташаббуслар шаҳар инфратузилмасини яхшилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ҳар бир ҳал этилган муаммо халқ ишончи ва депутатлик фаолияти самарадорлигининг яққол ифодаси бўлиб хизмат қилади.

## НОҚУЛАЙЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ



**НАТИЖАДА КЎҲНА ХИВА КЎЧАСИДАГИ ПИЁДАЛАР ЙЎЛАКЧАЛАРИ ҚАЙТА ЧИЗИЛИБ, ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА АНИҚ ВА РАВШАН КЎРИНИШГА КЕЛТИРИЛДИ. БУ ЭСА ПИЁДАЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШ, ҲАЙДОВЧИЛАР ЭЪТИБОРИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.**

бўлаётган нуқсонлар бартараф этилди, йўл қопламаси тартибга келтирилди ҳамда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг бемалол ҳаракатланиши таъминланди.

Мазкур ижобий натижа депутатлик сўровининг аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор тасдиқлади. Энг муҳими, фуқаролар ва тадбиркорлар томонидан билдирилган мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилиб, уларга амалий ечим топилмоқда.

Депутатлик сўрови орқали кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат органлари ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



## АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

Халқ депутатлари Хонқа тумани Кенгаши депутати Б. Яқубов томонидан юборилган депутатлик сўрови асосида Мангулик маҳалласи ҳудудида жойлашган П. Маҳмуд ва Нурли-Юлдуз кўчаларида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Мазкур масала аҳоли томонидан билдирилган кўплаб мурожаатлар асосида кўтарилган бўлиб, ушбу кўчаларда йўлларнинг нотекис ҳолати, транспорт ҳаракатидаги қийинчиликлар ва ёгингарчилик пайтида ҳосил бўладиган лойқа ҳамда кўлмаклар фуқароларга ноқулайлик туғдирарди. Айниқса, кундалик ишга қатновчилар ва болалар учун бу ҳолат хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам ташвишли эди.

Депутат томонидан масала жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди. Мазкур сўров асосида масъул идоралар тезкорлик билан ҳаракатга келиб, таъмирлаш бошланди.

Жумладан, йўл қопламаси текисланиб, шағал ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда. Эндиликда транспорт воситалари учун ҳаракат анча енгиллаштирилади. Шу билан бирга, пиёдалар хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда йўлакчалар қайта чизилиб, йўл белгилари аниқ ва кўринарли ҳолга келтирилди.

Энг муҳими, мурожаат қоғозда қолиб кетмади, балки амалий натижага айланди. Чунки аҳоли учун энг катта ўлчов — ваъда эмас, ўз ҳаётида сезилаётган ўзгаришдир.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида Мангулик маҳалласида инфратузилма босқичма-босқич яхшиланмоқда, аҳоли учун қулай ва хавфсиз ҳаракат муҳити яратилмоқда. Бу эса депутатлик сўрови фақат расмий мурожаат эмас, балки ҳақиқий муаммони ҳал қилувчи таъсирчан механизм эканини яна бир бор тасдиқлайди.

\*\*\*

Яна бир муҳим маълумот. Халқ вакилларининг эътибори фақатгина коммунал инфратузилма ёки кундалик маиший муаммолар билан чекланиб қолаётгани йўқ, балки жамият ривожини учун стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳалар ҳам қамраб олинмоқда.

Жумладан, Вобкент туманидаги 24 та умумтаълим мактабида санитария ҳолатини яхшилаш масаласи бўйича депутатлик сўрови юборилган. Навбахор туманидаги 25-мактабда эса спорт

инфратузилмасини ривожлантириш, яъни стадионнинг эскирган қисмини янгилаш ҳамда замонавий газон қопламасини барпо этиш масаласи кўтарилган.

Шунингдек, Учқудук туманидаги 10-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига мусиқа зали полинининг авария ҳолатига келиб қолгани аниқланиб, уни таъмирлаш бўйича депутатлик сўрови киритилган. Кармана туманида эса айрим мактабларда спорт жиҳозларининг етишмаслиги каби масалалар депутатлар диққат марказига олинган.

Бу каби мисоллар депутатлик сўровлари орқали таълим соҳасидаги реал муаммолар тизимли равишда кўтарилаётганини ва уларни бартараф этиш бўйича амалий қадамлар қўйилаётганини кўрсатади. Энг муҳими,



**Бундай амалий ишларни ва мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими эса ҳисоботлардаги рақам ёки қоғоздаги маълумот эмас, балки одамлар ҳаётида ҳақиқатан сезиладиган натижадир. Чунки ҳар қандай ислоҳот ёки ташаббуснинг қиймати фуқароларнинг кундалик ҳаётига қандай таъсир кўрсатгани билан ўлланади.**

ўқувчилар учун хавфсиз, замонавий ва қулай таълим муҳитини яратишга эътибор кучайтирилмоқда.

Бу орқали депутатлар эътибори келажак авлод таълими сифати, шарт-шароитлари ва имкониятларини яхшилашга қаратилгани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бундай амалий ишларни ва мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими эса ҳисоботлардаги рақам ёки қоғоздаги маълумот эмас, балки одамлар ҳаётида ҳақиқатан сезиладиган натижадир. Чунки ҳар қандай ислоҳот ёки ташаббуснинг қиймати фуқароларнинг кундалик ҳаётига қандай таъсир кўрсатгани билан ўлланади.

Одамлар учун энг муҳим нарса — йўлнинг таъмирлангани, ёритиш чироқларининг ёғду сочиб туриши, ичимлик сувининг узлуксиз келиши ёки болалар учун хавфсиз майдончанинг барпо этилишидир. Ана шундай кичик, лекин ҳаётини ўзгаришлар аҳоли ишончини оширади ва давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

**Лазиза ШЕРОВА,  
“Ўзбекистон овози”  
муҳбири.**



# Депутатимиз Давлат бюджетига таклиф билан чиқди

**Ҳар йили минглаб ёшлар ҳаётида муҳим босқич — 16 ёшда ID-карта олиш жараёни бошланади. Шу жараёнда юзага келаётган айрим муаммоларни инобатга олган ҳолда, ЎзАДП депутати томонидан 2027 йил Давлат бюджети учун тегишли таклиф илгари сурилди.**

– Ўзбекистонда ҳар йили ўртача 450 минг нафар ўсмир 16 ёшга тулади ва биринчи марта ID-карта олиш ҳуқуқига эга бўлади. Амалдаги тартибга кўра, ID-карта олиш учун ўртача давлат божи 330 000 сўмни ташкил этади. Шу асосда ҳисобланганда, бир йилда ушбу ёшлар учун умумий харажат 148,5 миллиард сўм атрофида шаклланади. Бугунги кунда 16 ёшга тўлган ёшларнинг бир қисми ID-картани ўз вақтида ололмастлигининг асосий сабабларидан бири молиявий имкониятлар билан боғлиқдир, – дейди **халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзАДП депутати Мухсиiddин Низомиддинов**. – Айниқса, кам таъминланган оилалар фарзандлари, олис ва чекка ҳудудларда яшовчи ёшлар учун 300 минг сўмдан ортиқ тўлов

сезиларли юклама ҳисобланади. Натижада ҳар йили минглаб ёшлар ID-картани кечиктириб олади ёки ҳужжатлаштириш жараёнини ўз вақтида яқунлай олмади.

ID-карта бу олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш, ишга жойлашиш, меҳнат шартномаси тузиш ҳамда давлат ва электрон хизматлардан фойдаланиш учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

ID-картага эга бўлмаган ёшлар олий таълим муассасасига кириш, ишга жойлашиш каби муҳим жараёнларда қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Бу эса уларнинг ўз йўлини топиши, касб танлаши ва мустақил ҳаётга кириб боришига маълум даражада тўсиқ бўлади.

Энг муҳим жиҳатлардан бири шундаки, ушбу муаммо ҳар йили

такрорланади. Ҳар йили янги 450 минг нафар ёш ушбу жараёнга кириб келади ва уларнинг маълум қисми молиявий сабаблар туфайли ҳужжатни кечиктириб олади. Натижада тизимли равишда ҳужжатлаштириш жараёнида узилишлар юзага келади ва ёшларнинг давлат хизматларига тўлиқ интеграцияси секинлашади.

Шундан келиб чиқиб, 2027 йил Давлат бюджети учун “ID-карта олишга субсидия” дастурини жорий этиш таклифи берилди. Ушбу таклифга кўра, 16 ёшга тўлган барча фуқароларнинг биринчи ID-карта олиш харажатлари давлат томонидан қисман ёки тўлиқ қопланиши назарда тутилади.

Агар субсидия тўлиқ жорий этилса, 450 минг нафар ёш учун 148,5 миллиард сўм Давлат бюджетидан қопланади ва фуқаролар учун молиявий тўсиқ бутунлай бартараф этилади. Бу эса барча ёшларнинг биринчи ID-карта билан тўлиқ қамраб олинишига хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу ташаббусда босқичма-босқич чегирма тизимини ҳам қўллаш мумкин.

Масалан, 10 фоизлик чегирма жорий этилганда 1 нафар учун тўлов 297 000 сўмни ташкил этади ва умумий харажат 133,65 миллиард сўм бўлади. 20 фоизлик чегирмада 1 нафар учун тўлов 264 000 сўм бўлиб, умумий харажат 118,8 миллиард сўмга тенг бўлади. 30 фоизлик чегирма жорий этилганда эса 1 нафар учун тўлов 231 000 сўмни ташкил этади ва умумий харажат 103,95 миллиард сўм бўлади.

Узоқ муддатли истиқболда ушбу ташаббус фақат ижтимоий ёрдам эмас, балки стратегик инвестиция сифатида ҳам баҳоланади. Чунки ID-картага эга бўлган ёшлар олий таълим муассасасига кириш, ишга жойлашиш ва расмий иктисодиётга интеграция жараёнида тезроқ ва самаралироқ ҳаракат қилади. Бу эса меҳнат бозорининг фаоллашуви, таълим имкониятларининг кенгайиши ҳамда ижтимоий тенгликнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

16 ёшга тўлган фуқаролар учун ID-карта олиш масаласини оддий маъмурий жараён эмас, балки ёшлар келажаги, уларнинг таълими, бандлиги ва жамиятдаги



**2027 йил ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УЧУН “ID-КАРТА ОЛИШГА СУБСИДИЯ” ДАСТУРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАКЛИФИ БЕРИЛАДИ. УШБУ ТАКЛИФГА КўРА, 16 ЁШГА ТўЛГАН БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ БИРИНЧИ ID-КАРТА ОЛИШ ХАРАЖАТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚИСМАН ЁКИ ТўЛИҚ ҚОПЛАНИШИ НАЗАРДА ТУТИЛАДИ.**

ўрнини белгилаб берувчи муҳим ижтимоий йўналиш деб ҳисоблайман.

2027 йил бюджети учун “ID-карта субсидия дастури”ни жорий этиш ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очиши мумкин.

**Ўз мухбиримиз**



## СЕНАТОР СЎРОВИ: “Фориш – Нурота” йўли қачон реконструкция қилинади?

**Ушбу мазмунда Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Ҳусан Эрматов Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Илҳом Махкамовга сенатор сўрови юборди.**

Маълумки, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда ички туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан байрам ва дам олиш кунлари сони оширилди. Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб юртдошларимиз 4-5 кунлик дам олиш муддатининг икки кунини Тошкентдан ўзлари туғилиб ўсган ҳудудларга етиб боришга ва яна пойтахтга қайтишга сарфламоқда. Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларини қўя турайлик, ҳатто Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг пойтахтга яқин туманларига бориш кўплаб фуқаролардан 6-7, баъзан эса 8 соатгача вақт талаб қилмоқда.

Бундай ҳолатлар нафақат байрам кунлари, балки оддий кунларда ҳам кузатишмоқда. Жумладан, йўл-таъмирлаш ишлари сабабли айрим йўналишларда ҳаракатнинг бир томонлама ташкил этилиши кўплаб фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сенатор сўровида айнан шу масала кўтарилган. Унда айтилишича, 2025 йил бошида “Нурота – Фориш” йўлида катта таъмирлаш олиб борилиши маълум қилинган, бироқ бу борада қилинган ишлар ҳақида ҳали ҳам маълумот берилмаган. Зотан, “Фориш – Нурота” йўли фақатгина нуроталиклар ёки навоийликлар учун эмас, балки Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларидан пойтахтга йўл олган минглаб автомобиль эгалари учун қулай бўлиши керак. Шунда “Самарқанд – Тошкент” йўлидаги қатновлар саёзлашиб, Галлаорол туманидаги доимий тирбандликни бартараф этишга эришилади.

Шу муносабат билан транспорт вазиридан “Фориш – Нурота” йўлини реконструкция қилиш қайси муддатга режалаштирилаётгани ва қанча транспорт оқимига мўлжалланаётгани, “Тошкент – Самарқанд” йўлидаги ортиқча юкламаларни енгиллаштириш юзасидан (янги пулли йўлдан ташқари) қандай аниқ чоралар кўрилатганилиги, байрам кунлари аҳоли дуч келаётган кўплаб муаммолар ечими юзасидан асосланган маълумот бериш сўралди.

### ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

#### ХОРАЗМ: НОСОЗ КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА СЎРОВ ЮБОРИЛДИ



**Халқ депутатлари Шовот тумани Кенгаши депутати И.Машарипов томонидан “Истиқбол” маҳалласи, Маданият кўчасидаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли мурожаатлари асосида навбатдаги депутатлик сўрови юборилди.**

Аниқланишича, 80 та хонадонга хизмат қилувчи канализация тармоқлари носоз ҳолатга келиб қолган. Оқова сувларнинг очиқ майдонларга чиқиб кетиши ҳудудда санитария-гигиена ҳолат ёмонлашишига ва аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Муаммони бартараф этиш мақсадида “Хоразм сув таъминоти” АЖ Шовот тумани филиалига канализация тизимининг техник ҳолатини зудлик билан ўрганиш ва аниқланган носозликларни қисқа муддатда бартараф этиш юзасидан депутатлик сўрови юборилди.

#### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: НУКУСЛИКЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ



**“Бир маҳалла – бир ташаббус” лойиҳаси доирасида Нукус шаҳрининг “Амударё” маҳалласи ҳудудида халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати, ЎзАДП депутатлик гуруҳи аъзоси Қўтлимурат Қалхоразов томонидан ўрганиш ишлари олиб борилди.**

Унда депутат Қ.Қалхоразов ёшлар маслаҳат гуруҳи аъзоси Ж.Еденбаев ҳамда “Амударё” МФЙ ижтимоий ходими Б.Ережепов билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва уй-жойини таъмирлашга эҳтиёжи мавжуд оилаларнинг яшаш шароитларини ўрганди. Фуқаролар билан мулоқот қилиниб, уларнинг мурожаат ва таклифлари тингланди.

Ўрганиш давомида аниқланган муаммолар юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

#### НАМАНҒАН: ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХС МАХСУС АРАВАЧА БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ



**Халқ депутатлари Косонсой тумани Кенгаши депутати Ж.Абдуллаев томонидан “Шайхон” маҳалласида яшовчи имконияти чекланган фуқаро С.Соҳибовнинг ҳолидан хабар олиниб, кундалик ҳаётида дуч келаётган муаммолари атрофида ўрганилди.**

Ўрганишлар жараёнида унинг эркин ҳаракатланиши ва ташқи муҳит билан мулоқот қилиш имкониятини берувчи махсус аравачага эҳтиёжи борлиги аниқланди. Депутат ташаббуси билан “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази орқали зарур техник восита ажратилишига эришилди.

#### БУХОРО: ФУҚАРОЛАР ТИББИЙ КўРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ

**Партияимиз Бухоро тумани кенгаши ташаббуси билан “Соғлом жамият – кучли давлат” шиори остида бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Бунда эҳтиёжманд одамларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва касалликларни эрта босқичда аниқлаш мақсад қилинган.**

Кўрик доирасида аҳоли ўртасида қандли диабет, юрак-қон томир, сил, онкологик ҳамда бошқа касалликларни эрта аниқлаш мақсадида скрининг текширувлари ташкил этилди. Профилактик кўриклар натижасида бир қатор касалликлар эрта босқичда аниқланиб, беморлар назоратга олинди.

Кўрик давомида 522 нафар фуқаро малакали мутахассислар томонидан текширилиб, уларга амбулатор ва стационар даволаниш бўйича тавсиялар берилди.



## СИЁСИЙ ПУЛЬС

# ЁШЛАР БАНДЛИГИ – СТРАТЕГИК ВАЗИФА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

## ДЕМОГРАФИК ДИНАМИКА ВА МЕХНАТ БОЗОРИ

Ўзбекистон дунёда нуфуси жадал ошиб бораётган давлатлар сирасига киради. Бугунга келиб 38 миллион нафардан ортган аҳолимизнинг 9,5 миллиони (25 фоизи) 14-30 ёш тоифасидаги ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу улкан ёшлар ресурси бемисл салоҳиятли куч бўлиши баробарида меҳнат бозори, таълим ва ижтимоий инфратузилмага доимий юқори юкломани юзага келтиришини англаш қийин эмас.

Аҳамиятлиси, жаҳон стандартлари даражасида изчил ривожланаётган таълим тизими ёшлар оқимини сезиларли ҳажмда қамраб олмакда: 207 та олий таълим муассасасида тахсил олаётган 1,6 миллион нафардан ортиқ талабанинг қарийб 84 фоизини (1,3 миллион нафар) 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Шунингдек, техникумлардаги 448 мингдан ортиқ ўқувчининг 331,8 минг нафари 20 ёшдан кичик экани яқин йилларда меҳнат бозорига нафақат олий таълим, балки ўрта махсус бўғин ҳисобидан ҳам жуда катта оқим кириб келишидан дарақдир.

Демак, таълим тизимидаги қамровга мутаносиб равишда меҳнат бозорига тайёрларлик ва барқарор бандлик натижаси асосий стратегик мезонга айланиши ҳаётини зарурат. Бошқача айтганда, демографик ўсиш сураати бандлик механизмларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Тахлиллар кўрсатадики, ҳозирда расман иш изловчи сифатида қайд этилган 85 минг нафар ёшларнинг салмоқли қисмини олий таълим муассасалари битирувчилари, миграциядан қайтган ҳамда вақтинча банд бўлмаган йигит-қизлар ташкил этмоқда. Шу билан бирга, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларнинг 70 фоизга яқини назарий билимларга эга бўлгани билан, амалий тажриба борасида мақтагулик даражада эмас.

Таълим тизимини меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларига мослаштириш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, айкики, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, мазкур йўналишда тақдим этилаётган имтиёз ва имкониятлар чекка ҳудудларга етиб боришини таъминлаш, рақамли иқтисодиёт шароитида ахборот технологиялари бўйича чуқур кўникмаларни шакллантиришга эҳтиёж ошса ошяптики, асло камайгани йўқ.

Давлат раҳбарининг юқорида келтирилган фармонида эса мана шундай муаммоларга ечим ўлароқ аниқ вазифалар қамраб олинган бўлиб, уларнинг амалий тасдиғини топиши айнан иқтисодий йўналишда куйидаги мақсадларни рўйба чикаради:



-2030 йилга қадар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёшлар сонини 2026 йилга нисбатан 30 фоизга ошириш;

-давлат кўмаги асосида фаолият бошлаган ва 3 йил ичида барқарор даромад манбаига эга бўлган ёш тадбиркорларнинг улушини 70 фоизга етказиш;

-2030 йилга қадар 18-30 ёшли аҳоли ўртасида расмий бандлик даражасини 2025 йилга нисбатан 20 фоизга, ўртача ойлик расмий даромадини эса 3 баробарга кўтартиш.

Дарвоқе, фармонда ёшларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтиришга доир залворли чора-тадбирлар ҳам белгиланганки, бу энди алоҳида мавзу.

### БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ АСОСИЙ МЕЗОНГА АЙЛАНДИ

8 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурда мамлакатимиз олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган тақдимот шу нуқтаи назардан жамоатчилик диққатини тортгани шубҳасиз.

Урғу берилганидек, 2026 йилда республика олийгоҳларини 320 минг нафар талаба битириши кутилмоқда. Сўнгги йилларда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш кўлами кенгайгани туфайли меҳнат бозорига кириб келаётган битирувчилар сони ҳам ортиб бормоқда.

Уларнинг бандлигини таъминлашда битирувчилар билан индивидуал ишлаш, уларни иқтисодиёт тармоқларидаги бўш иш ўринларига йўналтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, олийгоҳларда карьера марказлари имкониятларидан самарали фойдаланиш

муҳим аҳамият касб этади.

Битирувчиларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш бўйича "Келажакка қадам" дастури йўлга қўйилган бўлиб, унинг доирасида 2025 йилда 6 мингдан ортиқ лойиҳалар учун 378 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бунинг натижасида 8 минг нафарга яқин битирувчиларнинг бандлиги таъминланди.

Тақдимотда 2026 йилда 8 мингдан зиёд лойиҳаларни молиялаштириш учун 500 миллиард сўм маблағ йўналтириш, 10 мингга яқин ёшларни банд қилиш режалаштирилгани маълум қилинди. Мазкур дастурни унда иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларига қўшимча молиявий имкониятлар тақдим этиш орқали янада кенгайтириш таклифи илгари сурилди.

Шунингдек, "TalabaExpo-2026" касб кўргазмаларини иш берувчи ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этган ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам самарали ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Олийгоҳ битирувчиларининг бандлигини таъминлашда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, йирик хўжалик бирлашмалари масъулиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Бунга қўшимча равишда барча жараёнлар бандликка кўмаклашувчи "career.edu.uz" платформаси орқали мониторинг қилиниб, бандликни таъминлаш масаласи маҳаллий ҳокимликлар даражасигача туширилиб, натижада битирувчилар билан ишлашнинг вертикал тизими йўлга қўйилган бўлди.

Талабаларни иш билан банд қилишда олийгоҳ даражасида ишларни тизимли ташкил этиш бўйича таклиф қилинган янги механизмлар ҳам ўз самарасини бериши кутилмоқда. Жумладан, барча

олийгоҳларда карьера марказлари фаолияти тўлиқ шакллантирилиб, улар иш натижадорлигига қараб рағбатлантириб борилади. Марказлар фаолияти "Битирувчи сифати индекси" орқали баҳоланиб, энг юқори натижа кўрсатган 20 та олийгоҳнинг карьера марказларига 500 миллион сўмдан ажратилади.

Жорий йилда олийгоҳ миқёсида 360 та, факультетлар миқёсида 750 та меҳнат ярмаркалари ҳамда ҳар бир йўналиш кесимида мингдан ортиқ иш берувчилар билан учрашувлар (воркшоплар) ўтказилади.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, уларни бизнес юритиш учун мавжуд имкониятлар билан таништириш мақсадида барча олийгоҳлар ўқитиш дастурларига "Тадбиркорлик асослари" фани киритилади.

Олийгоҳларда талабаларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ташкил этиладиган спин-офф корхоналарига талабаларни жалб этиш, кафедраларнинг тегишли тармоқ корхоналарида филиалларини очиб, битирувчи лойиҳалари ҳимоясини иш берувчи корхоналарда ўтказишни кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, аниқ буюртма, мослашувчан дастурлар асосида кадрлар тайёрлашга қаратилган мақсадли дуал таълим шаклини ҳам йўлга қўйиш ташаббуси билдирилди. Бунда талабгорларни дастурга қабул қилиш, тўлов-контракт миқдорини белгилаш иш берувчи ҳамда олийгоҳ ўртасида ўзаро келишувга кўра амалга оширилиб, буюртмачи талаба ўқишни тамомлаганидан сўнг уни иш билан таъминлашга кафолат беради.

Индаллоси, битирувчилар бандлигининг таъминлангани олийгоҳлар фаолиятида асосий мезонга айланади.

Бугун дунё давлатлари иқтисодий ислохотларга ёки ҳарбий қудратга эмас, инсон капиталини ривожлантиришга бирламчи эътиборни қаратмоқда. Шиддаткор замонда янги технологиялар соҳасида замонавий билимларни теран ўзлаштирган, уларни ҳаётга татбиқ эта олишга қодир, фавақулда салоҳиятли, яратувчанлик иштиёқи билан мутахассисларга халқро меҳнат бозорига талаб шу қадар ошмоқдаки, қийси йўқ.

Юртимизда аҳолисининг улкан ва фаол қисми – ёшларга оид давлат сиёсатини давр талабларига мувофиқ олиб бориш, йигит-қизларнинг илм олиши, ижтимоий қўллаб-қувватланиши қаторида бандлигини таъминлаш миллий тараққиётимизни, эртанимизни, тақдиримизни белгилаб беришини асло унутмаслик лозим.

"Ўзбекистон овози" мухбири  
Фарида МАҲҚАМОВА тайёрлади.

## ТАҲЛИЛ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Янги Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар бир неча босқичда шаклланди. Аввало, мактаб инфратузилмаси, ўқув дастурлари ва ўқитувчи мактомига эътибор кучайди. Сўнг Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар орқали иқтидорли болалар учун янги муҳит яратилди. Кейинги босқичда мактабгача таълим қамрови, касб-хўнарга йўналтириш, олий таълимга кириш имкониятлари кенгайди. Ҳусусан, Жаҳон банки маълумотларида Ўзбекистонда мактабгача таълим қамрови 0,7 миллиондан 2,44 миллионгача ошгани келтирилади. Бу рақамнинг ижтимоий аҳамияти катта: бола қанча эрта таълим муҳитига кирса, унинг дунёқарашини, ижтимоий кўникмасини, умумтаълимга тайёрларлигини шунча кенгайди.

Бугунги кунга келиб эса таълим тизими ижтимоий ҳимоя билан боғланаётган босқичга кирди, яъни бола қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, умумтаълимдан узилиб қолмаслиги, мактабда ўзини хавфсиз ҳис қилиши, эҳтиёжига мос қўллаб-қувватланишини кафолатлаш устуворлик касб этмоқда.

Соҳадаги ҳаётини ислохотларнинг ҳуқуқий асоси 2020 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Таълим тўғрисида" ги қонунда мустақамлаб қўйилган. Ушбу қонуннинг энг муҳим жиҳати шундаки, таълим фақат билим бериш тизими сифатида талқин қилинмади. Унда ҳар бир боланинг имкониятларини очиб ва жамиятга қўшиш, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш, ногиронлиги бўлган, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум ёки ижтимоий реабилитацияга муҳтож болаларни

# Болаларнинг ижтимоий ҳимояси

## таълим ислохотларида яққол кўринади



қўллаб-қувватлаш механизмлари ўз ифодасини топган.

Мазкур ҳужжатда етим, ота-она қарамоғидан маҳрум, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, ижтимоий реабилитацияга муҳтож болаларни ўқитиш ва тарбиялашга оид алоҳида нормалар мавжуд. Ушбу нормаларнинг моҳияти шундаки, қонун энг заиф ҳолатдаги болани таълимдан ташқарида қолдирмаслиқни давлат мажбурияти сифатида кўради. Қайси оилادا туғилгани, жисмоний имконияти чеклангани, ота-онасининг моддий ҳолати ёки ижтимоий вазият боланинг келажагини белгилаб бермаслиги учун ҳам таълим ислохотлари инсонпарварлик ва демократик тамойилларга

уйғун амалга оширилишини таъминлайди.

Дарҳақиқат, таълим – камбағалликка қарши энг сокин, аммо энг таъсирли жавоб. Бир оилادا моддий ёрдам бериш уни бугунги қийинчиликдан чиқаради. Болани сифатли таълимга олиб кириш эса оиланинг эртанги йўлини ёруғлаштиради. Билим олган бола касб танлайди, келгусида мустақил даромад топади, ўз ҳуқуқини билади, жамият ва давлат ривожига ҳисса қўшади. Шунинг учун таълим соҳасидаги ижтимоий ҳимоя харажат сифатида эмас, келажакка киритилган энг оқилона сармоя сифатида қаралиши лозим.

Яна бир нозик нуқта. Таълим муассасалари болаларни турли

зўравонликлардан ҳимоя қилиш тизимининг муҳим иштирокчиси саналади. "Болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунда бу алоҳида кўрсатилган.

Демак, иккиланмай айтиш мумкин, юқоридаги икки қонун бир-бирини тўлдириб туради. Биринчиси болага билим, имконият ва тенглик эшигини очади. Иккинчиси шу эшиқдан кирган боланинг хавфсизлиги, шаъни, руҳий ҳолати ва шахс сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Зотан, замонавий давлатда мактаб фақат таълим муассасаси сифатида қаралмайди. У ўсиб келаётган авлоднинг потенциалини эрта аниқлаш нуқтаси, ижтимоий сигнал маркази ҳамдир. Боланинг кайфияти, фаоллиги, ўзлаштириши, мулоқоти, жисмоний ва руҳий ҳолатидаги ўзгариш, энг аввал, мактабда кўринади.

Агар бола мактабга келмай қўйса, бу фақат даволат масаласи сифатида қолмаслиги керак. Оиласида муаммо борми, оғир вазият юзага келганми, бола мажбурий меҳнатга жалб қилинганми, зўравонлик хавфи мавжудми, соғлиғи ёки ногиронлиги сабаб ўқишда қийналяптими, таълим тизими ана шу саволларни давлат олдига олиб чиқадиغان биринчи майдонга айланади.

Амалиётга татбиқ қилинган янги механизмга кўра, мактаб, маҳалла, ижтимоий ҳодим ва психолог биргаликда боланинг ҳолатини ўрганади. Сабаб аниқланади.

Эҳтиёж бўлса, оилادا ижтимоий хизмат кўрсатилади, болага психологик ёрдам берилади, таълимда орқада қолган қисмини тўлдириш учун қўшимча кўмак ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган бола умумтаълим мактабда ўқишни истади. Агар мактаб бинотида кириш, синфда ҳаракатланиш, ўқув материални қабул қилиш, тенгдошлар билан бирга иштирок этиш имкониятини яратса, бу бола жамиятдан ажралмайди. У ўзини "алоҳида" муҳитда эмас, реал ҳаёт ичида кўради. Инклюзив таълимнинг кучи ҳам шу ерда: у болага билим бериш билан бирга, бошқа болаларга ҳам инсонни турли имкониятлари билан қабул қилиш маданиятини ўргатади.

Инклюзив синф очилса-ю, ўқитувчи бунга тайёр бўлмаса, пандус қурилса-ю, ўқув методикаси ўзгармаса, бола мактабга кирса-ю, ўзини ёлғиз ҳис қилса, ҳар қандай ҳақчил деб баҳоланган ислохот ҳам чала-ярим қолиб кетади.

Таълим – бу ижтимоий лифт. Аммо у ишлаши учун амалда қонун талаблари таъминланиши, мақсадли манзил аниқ бўлиши керак. Юртимизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари ҳар бир болага "Жамиятда сенинг ўрнинг бор, барча билан тенг имкониятнинг бор, давлат сенинг келажагингга бефарқ қарамайди", деган ҳуқуқий ва маънавий ишонччи беради.

Фарид НАЗАРОВ,  
Ижтимоий ҳимоя миллий  
агентлиги  
Юридик бўлим бошлиғи.

МУЛОҲАЗА

# ТОВАРНИ СОТИНГ, АММО ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭМАС!



**Шохрух ҲУКМАТОВ,**  
Ўзбекистон ХДП  
Фарғона вилоят  
кенгаши раиси,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
хузуридаги Ёшлар  
парламенти раиси  
ўринбосари.

**Атрофга назар ташласак, реклама кўринмайдиган жойнинг ўзи қолмади. Эрталаб кўзимизни очишимиз билан телефон экрандаги таклифлар бизга "мурожаат қилади". Кўчага чиқсак, баннерлар, транспортда кетсак, электрон экранлар, кечқурун эса ижтимоий тармоқлар орқали юзлаб рекламалар диққатимизни тортади. Гўёки, замонавий инсон нафақат ахборот майдонида, балки доимий равишда таъсир ва ишонтириш муҳитида яшамокда.**

Албатта, реклама бозор иқтисодиётининг табиий ва зарур қисми ҳисобланади. У ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчини боғлайди, янги маҳсулот ва хизматлар ҳақида маълумот беради, рақобатни кучайтиради. Аммо бугунги кунга келиб муҳим бир савол кун тартибига чиқмоқда: реклама инсонга ахборот беришнинг ўрни қанчалик муҳим?

Айниқса, рақамли платформаларда тарқатилаётган рекламалар маҳсулотнинг сифати ва афзалликлари кўрсатишдан кўра, инсон психологиясига таъсир қилиш усуллари кўпроқ таянаётгандек. "Фақат бугун", "Сўнгги имконият", "Шошилин" каби қаҳриқлар одамни ўйлаб қарор қабул қилишга эмас, ҳиссиёт таъсирида ҳаракатланишга ундайди.

Натижада инсон эҳтиёжи учун эмас, балки хоҳиши уйғотилгани учун харид қила бошлайди. Унга керак бўлмаган маҳсулотлар ҳам "қулай имконият" сифатида кўрсатилади. Баъзан эса реклама инсоннинг иқтисодий имкониятларини эмас, унинг орзулари ва заиф нуқталарини нишонга олади.



Яна бир ташвишли жиҳат шундаки, айрим рекламаларда маҳсулотнинг сифати, афзалликлари ёки амалий қийматидан кўра, кўпроқ инсоннинг эътиборини ҳар қандай йўл билан жалб қилиш мақсади биринчи ўринда бўлиб бормокда. Баъзи ҳолларда автомобиль ёки техника воситалари рекламасида маҳсулот хусусиятлари ҳақида маълумот бериш ўрнига очик-сочик кўринишдаги "моделлар"дан фойдаланилади. Натижада томошабин товарнинг ўзи ҳақида эмас, балки сунъий яратилган визуал таъсирдан кўпроқ таассурот олади.

Шунингдек, айрим меҳмонхона, хостел ёки кўнгилочар хизматлар рекламаларида хизмат сифати, хавфсизлик ёки қулайликдан кўра, кўпроқ инсоннинг шахсий ҳиссиётлари ва қизиқишларига босим ўтказувчи мазмунларга урғу берилаётганини ҳам кузатиш мумкин. Баъзан реклама матнлари ва роликларида аудиторияни жалб қилиш учун икки маъноли қочиримлар, шов-шувли иборалар ёки жамоатчилик эътиборини сунъий равишда тортишга қаратилган услублар қўлланилмоқда.

Муаммонинг энг нозик томони шундаки, бундай контент аксарият ҳолларда



ёшга доир аудитория чекловларисиз тарқалмоқда. Ижтимоий тармоқлардаги рекламаларни катталар ҳам, ўсмирлар ҳам кўради.

Ваҳоланки, маълум мазмундаги ахборотларни қабул қилиш учун инсонда муайян ҳаётий тажриба, танқидий фикрлаш ва дунёқараш шаклланиши бўлиши талаб этилади. Ҳали қадриятлари шаклланиш босқичида бўлган ёшлар эса реклама орқали узатилаётган образ ва ғояларни ҳақиқат сифатида қабул қилиши мумкин.

Аслида реклама иқтисодий фаолликни рағбатлантириши керак, маънавий муҳитни емирмаслиги лозим. Товар ёки хизматни тарғиб қилиш мақсадида инсон қадр, ҳаё, одоб ва миллий қадриятларнинг иккинчи

## “

**АСЛИДА РЕКЛАМА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШИ КЕРАК, МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ ЕМИРМАСЛИГИ ЛОЗИМ. ТОВАР ЁКИ ХИЗМАТНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ИНСОН ҚАДРИ, ҲАЁ, ОДОБ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАГА ТУШИШИ ЖАМИЯТ УЧУН ХАВФЛИ ТЕНДЕНЦИЯДИР.**

даражага тушиши жамият учун хавфли тенденциядир.

Чунки маънавият бир кунда шаклланиши каби, унинг емирилиши ҳам бир кунда содир бўлмайди. Бу жараён кўпинча ҳар кун кўриладиган кичик таъсирлар, оддий ҳолга айланган тасвирлар ва "замонавийлик" ниқоби остида тақдим этилаётган мазмунлар орқали кечади.

Шу боис реклама соҳасида фақат иқтисодий самарадорлик эмас, балки ижтимоий масъулият ва маънавий хавфсизлик масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш вақти келди. Зеро, ҳар қандай реклама маълум бир маҳсулотни сотиши мумкин, аммо у билан бир вақтнинг ўзида маълум бир қараш, қадрият ва ҳаёт тарзини ҳам тарғиб қилади.

Бу эса масаланинг фақат иқтисодий эмас, балки маънавий томони ҳақида ҳам ўйлашга мажбур қилади. Чунки реклама миллионлаб инсонларнинг онгига таъсир кўрсатади. Агар унда истеъмолчилик руҳи, ташқи кўринишга сизгиниш устун бўлса, бу аста-секин жамият қадриятларига ҳам таъсир ўтказиши мумкин. Энг муҳими, ҳаёт ҳақидаги қарашлари ҳали шаклланиб улгурмаган ёшлар бундай ахборот оқимининг асосий қабул қилувчиларига айланиб бормокда.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Бугун кўплаб рекламаларда маҳсулотнинг жозибали томонлари кенг ёритилади, аммо унинг эҳтимолий

хавфлари, қўшимча харажатлари ёки чекловлари ҳақида маълумотлар кўзга ташланмайди ёхуд майда ҳарфлар орасига яширилади.

Ваҳоланки, истеъмолчининг ҳақиқий танлов ҳуқуқи фақат афзалликларни эмас, балки оқибатларни ҳам билиш орқали таъминланади. Шу нуқтаи назардан, реклама соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда муҳим бир тамойилни мустаҳкамлаш вақти келди. Яъни рекламада маҳсулот ёки хизматнинг энгил ва жозибали шартлари билан бир қаторда, унинг эҳтимолий молиявий оқибатлари, қўшимча мажбуриятлари ва истеъмолчи учун муҳим бўлган чекловлари тушунарли шаклда акс эттирилиши лозим.

Масалан, бўлиб-бўлиб тўлаш хизматлари рекламасида умумий тўлов суммаси ва ортиқча харажатлар, кредит таклифларида қарз юқининг реал кўрсаткичлари, турли акцияларда эса амал қилиш шартлари истеъмолчи эътиборидан четда қолмаслиги керак. Инсонни қарор қабул қилишга қаҳриш қанчалик муҳим бўлса, қарорнинг эҳтимолий оқибатларидан огоҳ қилиш ҳам шунчалик муҳим ҳисобланади. Чунки ҳақиқий эркин танлов тўлиқ ахборотга асосланган танловдир.

Гап рекламага қарши чиқиш ҳақида эмас. Реклама иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиб қолаверади. Масала эса унинг қайси қадриятларга хизмат қилишида.

Агар реклама фақат сотишни мақсад қилса, инсон воситага айланади. Агар у ахборот бериш, энгли танловни таъминлаш ва жамият манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига таянса, тараққиёт омилига айланади.

Амалдаги қонунчиликда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонунида реклама мазмунининг ахлоқий ва маънавий жиҳатларига доир умумий чекловлар мавжуд. Бироқ рақамли платформалар ва ижтимоий тармоқлар жадал ривожланиётган бугунги шароитда мазкур нормаларни қўллаш мезонларини янада аниқлаштириш, айниқса, ёшлар аудиториясига мўлжалланган контентлар бўйича назорат механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Рақамли маконда реклама маданиятини шакллантириш, ахлоқий стандартларни кучайтириш ва қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Энг муҳими, жамиятнинг ўзи ҳам бундай ҳолатларга нисбатан фаол муносабат билдириши лозим. Чунки талаб қандай бўлса, таклиф ҳам шундай бўлади. Агар биз инсон кадрини қадрлайдиган, маънавиятни устун қўядиган ва соғлом истеъмол маданиятини қўллаб-қувватлайдиган жамият курмоқчи бўлсак, маркетинг ҳам шу тамойилларга хизмат қилиши шарт.

Товар сотиш учун инсоннинг ҳисларига эмас, энг юксак қадриятларга мурожаат қилинганда жамият ҳам, иқтисодиёт ҳам ютади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ!

**КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИДА МИЖОЗ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЛАНГАНМИ?**



**Кўпчилик кредит олиш ёки кредитни қайтариш жараёнида ўз ҳуқуқларини тўлиқ билмайди. Аслида Марказий банкнинг "Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида"ги 3030-сонли низоми банклар ва миқозлар ўртасидаги муносабатларни аниқ тартибга солиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.**

Кредит ажратиш жараёнида банклар ҳалоллик ва шаффофлик тамойилларига амал қилиши, шартнома тузилишидан олдин барча муҳим маълумотларни очик тақдим этиши, қарз олувчининг тўлов қобилиятини баҳолаши ва қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча йиғимларни шартномага киритмаслиги шарт. Шу билан бирга, ҳар бир қарз олувчида кредитни муддатидан олдин сўндириш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Кредит қарздорлиги юзага келганда банк қарздорни белгиланган тартибда хабардор қилиши керак. Хабарномада асосий қарз, ҳисобланган фоизлар, неустойка ва бошқа тўловлар алоҳида кўрсатилиши лозим.

Энг муҳим қоида – қарздорлик ҳақидаги хабарномани топириш ёки телефон орқали эслатма бериш маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан 08:00 гача тақиқланади. Яъни банк ходимлари кечаси ёки тонг сахарда миқозни безовта қилиши мумкин эмас.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкинки, кўпчиликни қизиқтирадиган масалалардан бири — кредитга ортиқча пул тўлаш ҳолати. Масалан, ойлик тўловингиз 1 миллион сўм бўлса-ю, адашиб ёки атайлаб 1,5 миллион сўм ўтказсангиз, банк ортиқча тўланган 500 минг сўмни сизга қайтариб бермайди. Бу маблағ автоматик равишда асосий қарзни камайтиришга йўналтирилади. Натижада кредит тезроқ ёпилади, келгусида ҳисобланмаган фоизлар камайтиришга йўналтирилади.

Агар кредит тўлиқ ёпилаган бўлса, банк 3 иш кунини ичида гаров мулкни тақиқдан чиқариши ва гаров реестридан тегишли ёзувларни олиб ташлаши шарт. Агар банк бу талабни бажармаса, Марказий банкнинг 3492-сонли низомига мувофиқ жарима қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, қонунчилик миқозларга суғурта ва баҳоловчи ташкилотни мустақил танлаш ҳуқуқини ҳам беради. Банк миқозни муайян суғурта компанияси ёки муайян баҳоловчи ташкилот хизматидан фойдаланишга мажбурлай олмайди. Агар сиз арзонроқ ёки қулайроқ суғурта компаниясини ёки баҳоловчи ташкилотни танласангиз, банк бу танловни қабул қилиши шарт.

Шунинг учун кредит расмийлаштириётганда банк ходими муайян суғурта ёки баҳоловчи компанияни мажбурласа, сиз суғурта компанияси ва баҳоловчи ташкилотни мустақил танлаш ҳуқуқига эга эканлигингизни эслатишингиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, 3030-сонли низоми нафақат банкларнинг мажбуриятларини, балки миқозларнинг муҳим ҳуқуқларини ҳам белгилаб берган. Шу ҳуқуқларни билиш орқали сиз кредит муносабатларида ўз манфаатларингизни самарали ҳимоя қила оласиз.

**Манбаа: Марказий банк**

**ЭЪЛОН  
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР  
РАҲБАРЛАРИГА!**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши 35 дона Xiaomi Redmi 12 5G умумий ҳаво намлаш мосламаси, 50 дона эркаклар қўл соати ва 30 дона аёллар қўл соати тайёрлатиш ва харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.**

**Тижорат таклифлари 2026 йил 22 июнь кунига қадар қўйидаги манзилда қабул қилинади:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик майдони, 5/3.**

**Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар қўшимча маълумотларни (71) 239-19-73 телефон рақами орқали олишлари мумкин.**

## ХАМКОРИМИЗ

# “Ўзбекгидроэнерго” АЖ: Ислохотлар тизимда туб бурилиш ясамоқда



**Бугунги кунда жаҳон энергетика тизими туб янгиланишлар даврини бошдан кечирмоқда. Иқлим ўзгариши, атмосферага зарarli чиқиндиларнинг ортиши, анъанавий ёқилғи ресурсларнинг чеклангани ҳамда энергия хавфсизлигига бўлган талабнинг кескин ўсиши давлатларни янги, барқарор ва экологик тоза энергетика моделларига ўтишга ундамоқда. Шу нуқтаи назардан, “яшил энергия” нафақат экологик барқарорликни таъминловчи омил, балки иқтисодий ўсиш, sanoat рақобатбардошлиги ва миллий хавфсизликнинг стратегик таянчи сифатида шаклланимоқда. Ўзбекистонда ҳам “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларни кенг жорий этиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланиб улгурди.**

Бу борада Президентимизнинг 2026 йил 1 майдаги “Гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳани янада ривожлантиришда янги стратегик бошқични бошлаб берди, дейиш мумкин.

Мазкур қарор доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Бекзод Амрсаидовнинг фикрлари билан қизиқдик.

–Хужжатда гидроэнергетика соҳасини модернизация қилиш, янги гидроэлектр қувватларини ишга тушириш, гидро салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, 2026 йил якунига қадар мамлакатда 114 МВт янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 7,1 миллиард кВт.соатга етказилади. Шунингдек, 2032 йилга қадар гидроэнергетика соҳасида қўшимча 3266 МВт қувватлар яратилиб, умумий гидроэнергетика қувватлари 5668 МВтни ташкил этади. Бу эса мавжуд қувватларни 2,4 баравар

ошириш орқали мамлакат энергетика тизимини янги босқичга олиб чиқади.

Қарор доирасида “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятини тубдан трансформация қилиш кўзда тутилмоқда. Жамиятни оддий электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхонадан энергия балансини бошқарувчи, тармоқ барқарорлигини таъминловчи ва қайта тикланувчи манбаларни интеграция қилувчи замонавий “ишлаб чиқарувчи ва ростловчи” компанияга айлантириш назарда тутилган. Бу ўзгариш гидроэнергетика тармоғининг миллий энергетика тизимидаги стратегик аҳамиятини янада оширади.

Эътиборли жиҳати, инвестиция сиёсати доирасида “миллий лойиҳа” модели асосида маҳаллий корхоналарни кенг жалб қилиш орқали 550 МВт қувватдаги объектларни амалга ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, соҳада рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳам кенг жорий этилмоқда. Гидротехник иншоотларни автоматлаштирилган тарзда мониторинг қилиш, сув сарфини интеллектуал бошқариш, авария ҳолатларини олдиндан прогноз қилиш ва энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича замонавий тизимлар жорий этилмоқда. Қолаверса, учувчисиз учуш аппаратлари орқали инфратузилмаларни назорат қилиш имконияти яратилиб, инсон омили камайтирилмоқда ва техник хавфсизлик даражаси оширилмоқда.

Гидротехник иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус мониторинг марказининг фаолиятини кучайтириш ҳам стратегик вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу сув ресурсларини самарали бошқариш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва гидроиншоотлар барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Корпоратив бошқарув тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга

оширилмоқда. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларининг жорий этилиши, молиявий шаффоқликнинг ошиши ва рақамли бошқарув тизимларининг кенг қўлланилиши компаниянинг халқаро рейтинглардаги мавқеини мустаҳкамламоқда. “PwC” томонидан ижобий баҳоланиш, “Fitch Ratings” агентлигида “BB” барқарор рейтингини ва “Sustainable Fitch” томонидан 79 баллик ESG баҳоси бу жараённинг амалий натижасидир.

Маҳаллийлаштириш сиёсати доирасида технологик ускуналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш ва қўшма корхоналар орқали юқори ҳам муҳим устувор йўналиш сифатида белгиланган. Замонавий гидроэнергетика юқори малакали муҳандислар, IT-мутахассислар ва рақамли технологиялар соҳасидаги кадрларга эҳтиёжни оширмоқда. Шу боис, таълим муассасалари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш тизими ишчил ривожлантирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, гидроэнергетика соҳасини модернизация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖни замонавий энергетика компаниясига айлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон энергетика тизимида бурилиш ясамоқда. Бу жараён мамлакатнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтишини тезлаштириш, энергетик хавфсизликни мустаҳкамлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва Марказий Осиёда “яшил энергия” соҳасида етакчи давлатлардан бирига айланиши учун мустаҳкам замин яратади.

**“Ўзбекистон овози” мухбири  
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ  
ёзиб олди.**



## ИНСОН ЎЗИНГ...

## ЗАМАХШАРИЙ ҚАРАШЛАРИДА КОМИЛЛИК ЧИЗГИЛАРИ

**Бугунги кунда жамият ривожини ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақияти ёшларимизнинг билим даражаси, тафаккур салоҳияти, маънавий баркамоллиги ва ахлоқий тарбиясига бевосита боғлиқдир. Шу маънода мумтоз алломаларимиз қолдирган бой илмий-маърифий меросни замонавий таълим ва тарбия тизимига самарали татбиқ этиш ҳаётини муҳим масалалар сирасига қиради, десак янглишмаймиз.**

Шарқ фалсафий тафаккури тарихида комил инсон ғояси алоҳида ўрин эгаллайди. Инсоннинг илми, одобли, ҳалол, сабрли ва маърифатли бўлиши ҳақидаги қарашлар кўплаб мутафаккирлар ижодида ёритилган. Ана шундай улуг алломалардан бири Маҳмуд Замахшарийдир.

Маҳмуд Замахшарий асарларида илмга интилиш, билимни амалий фаолият билан уйғунлаштириш, инсоний фазилатларни улуғлаш каби ғоялар етакчилик қилади. Аллома

илмни инсонни жаҳолатдан қутқарувчи ва уни маънавий етуқликка етакловчи асосий омил сифатида талқин этади. Унинг «Атвоқ уз-заҳаб», «Навобиг ул-қалим» ва «Мақомат» асарларида комил инсоннинг маънавий қиёфаси ҳикмат, панд-насихат ва бадий тасвирлар орқали очиб берилди.

Замахшарий назарида комил инсон — бу, аввало, илм эгасидир. «Атвоқ уз-заҳаб»да шундай ҳикмат учрайди: «Илм — шарафнинг зийнати, жаҳолат эса

инсоннинг айбидир».

Маҳмуд Замахшарий инсонни тўрт тоифага ажратади: билим олувчи, билимига амал қилувчи, илмни тингловчи, тўртинчиси — илмга бефарқ бўлган кимсанинг эса ҳалокатга юз тутушини қайд этади. Қолаверса, мутафаккир илмни эгаллаш билан чекланиб қолмасдан, уни амалий фаолият билан мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлайди. Илмнинг қадри унинг ижтимоий-амалий аҳамияти билан белгиланади. Шунинг учун ҳам у ҳақиқий олимни ўз билимига амал қилувчи шахс сифатида тавсифлайди ва шундай ёзади: «Ким комил бўлишни истаса — ҳам олим, ҳам аълим (амал қилувчи) бўлсин».

Аллома илм ва амал уйғунлигининг моҳиятини очиб беришда турли

халқчил қиёс ва бадий ўхшатишлардан самарали фойдаланади. «Амал қилувчи киши учун илм девор текислигини ўлчайдиган қурувчининг асбобиға ўхшайди. Олим учун амал эса сув тортувчи кишининг арқонига ўхшайди. Шунинг учун қурувчида бу асбоб бўлмаса, унинг иморати текис бўлмайди. Агар сув тортиш учун арқони бўлмаса, чанқоғи босилмайди. Ким комил бўлишни истаса, амал қилувчи олим бўлиши керак». («Атвоқ уз-заҳаб» асаридан).

Чиндан ҳам, инсоннинг комилликка эришиши илм, касб-хунар ва амалий фаолият билан чамбарчас боғлиқ. Замахшарийнинг айни фалсафаси бугун ҳам долзарб бўлиб, ёш авлодни илм-маърифатни эгаллашга, ўз қизиқиши ва салоҳиятига мос касб-хунар танлашга ундовчи маънавий қаҳирик сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

**Одина МАҲМУДОВА,  
Тошкент давлат  
шарқшунослик  
университети  
1-курс таянч  
докторанти.**

## ЖАҲОНДА СИЁСАТ

## ПАШИНЯН ПАРТИЯСИ ЕТАКЧИ



**Арманистонда  
Пашинянинг  
партияси  
парламент  
сайловларида 50  
фоиздан камроқ  
овоз билан  
ғалаба қозонди.  
Мухолифат жами  
37,23 фоиз овоз  
ийғиди.**

Арманистон Бош вазири Никол Пашинянинг партияси мамлакатда бўлиб ўтган парламент сайловлари якунларига кўра сайловчиларнинг 50 фоизли овоз чегарасини забт эта олмади. Бу Марказий сайлов комиссиясининг барча сайлов участкаларидаги овозлар ҳисоблаб чиқилгандан кейинги дастлабки маълумотларида акс этади.

МСК раҳбарининг сўзларига кўра, сайловдаги иштирок 58,97% ёки 1 476 597 нафар фуқарони ташкил этди.

Дастлабки натижаларга биноан, Бош вазирининг «Фуқаролик шартномаси» партияси сайловчиларнинг 49,81 фоиз овозини қўлга киритган. Бу кўрсаткич 2021 йилги сайловлардаги 54 фоизли натижадан пастроқдир, дея таъкидлайди Reuters.

Иккинчи ўриндан 23,29 фоиз овоз тўплаган «Кучли Арманистон» партияларга альянс жой олди. Учунчи ўрин «Арманистон альянси»га насиб этди. Мазкур альянс 9,94 фоиз овоз тўплаган.

Тўртинчи ўринни эса 4 фоиз овоз билан арманистонлик тадбиркор, миллиардер Гагик Царукян томонидан асос солинган ва бошқариладиган «Гуллуб-яшнаётган Арманистон» партияси эгаллади.

## БОШ ВАЗИР ПАРТИЯСИ САЙЛОВЛАРДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ



**Reuters  
агентлигининг  
хабарига кўра,  
Косовода  
муддатидан  
аввал ўтказилган  
парламент  
сайловларида  
Бош вазир Альбин  
Курти раҳбарлик  
қилаётган “Ўз**

**тақдирини ўзи белгилаш” партияси энг  
кўп овоз тўплаб, ғолиб чиқди. Бироқ янги  
ҳукуматни шакллантириш учун партияга  
коалициядошлар керак бўлади.**

Расмий маълумотларга кўра, бюллетенларнинг 99,4 фоизи санаб чиқилгандан сўнг Альбин Курти бошчилигидаги сиёсий куч 43 фоиз овоз тўплаган.

Иккинчи ўринни 21 фоиз овоз билан Косово Демократик партияси эгаллаган бўлса, Косово Демократик лигаси 18 фоиз натижа билан учинчи бўлди. “Косово келажаги учун альянс” эса қарийб 7 фоиз овоз тўплади.

Сайловларда иштирок этиш даражаси 37 фоиздан сал камроқни ташкил қилди.

Бу Косовода сўнгги бир ярим йил ичида ўтказилган учинчи парламент сайловидир. Мутахассислар фикрича, мамлакатда кузатилаётган сиёсий бекорорлик ва партиялар ўртасидаги келишмовчиликлар ҳукуматни шакллантириш жараёнини мураккаблаштирмоқда.

Альбин Курти партияси сайловда етакчилик қилган бўлса-да, парламентда мустақил кўпчиликни таъминлаш учун етарли ўринларга эга эмас. Шу сабабли бошқа сиёсий кучлар билан коалиция тузишга тўғри келади.

## ВЕНГРИЯ УЧТА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛАРИГА ИШЧИ ВИЗА БЕРИШНИ ТЎХТАТДИ



**Венгрия  
ҳукумати  
матбуот котибига  
кўра, 5 июнь  
кунидан бошлаб  
Филиппин,  
Грузия ва  
Арманистон  
фуқароларига  
ишчи визалар  
беришни**

**тўхтатди. Ахборотда бу хорижлик ишчилар  
оқимини тартибга солишининг биринчи  
бошқичи эканлиги қайд этилган.**

Бош вазири Петер Мадяр етакчилигидаги “Тиса” партияси жорий йил 12 апрелдаги сайловда мутлақ ғалаба қозонганди. Янги ҳукумат июнь ойидан бошлаб Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган давлатлар фуқароларига виза беришни тўхтатишини эълон қилган эди.

Ҳукумат хорижлик ишчилар учун бандлик имкониятларини қисқартирмоқда. Бунга хорижликлар маҳаллий аҳолининг иш ҳақини тушириб юбораётгани ҳақидаги хавотирлар сабаб бўлган.

**Интернет материаллари асосида  
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.**

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

## O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Tohtemir XUDOYQULOV

## Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uezbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 637. 4002 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 19:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda